



УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Ю

Р

А

К

Е

Т

И

Ш

М

О

В

Ч

И

Л

И

Г

И



ОССН



Cardiogram.uz

Юракни фақат юрак билан
даволаш керак!



Услубий қўлланма мундарижаси


Умумий маълумотлар	2
Аломатлар	4
Оғирлик даражалари	6
Юрак етишмовчилигини даволаш	8
Мақсад	9
Сизнинг иштирокингиз	10
Парҳез. Умумий тавсиялар	12
Ош тузи истеъмолини назорат қилиш	12
Мунтазам жисмоний фаоллик	15
Машқлар бажариш қоидалари	17
Дори даволашнинг умумий қоидалари ...	19
Асосий дори гуруҳлари	23
АЎФ ингибиторлари	23
Бета-блокаторлар	24
Сийик ҳайдовчилар	25
Альдостерон рецептор антогонистлари	26
Юрак гликозидлари	27
Хаёт тарзини ўзгартириш бўйича чоралар .	28
Чекишдан воз кечиш	28
Вазни кузатиш	29
Хавфли аломатлар	31
Беморнинг назорат кундалигига мисол	32

Юрак етишмовчилиги ҳақида умумий маълумот

Юрак етишмовчилиги - бу асосида юрак мушаги (миокард)нинг ўткир ёки сурункали шикастланиши ётадиган касаллик бўлиб, бунинг натижасида юрак ишининг самарадорлиги пасаяди. Бу тананинг ички муҳитида жиддий ўзгаришларга ва деярли барча органлар ва тизимларнинг аста-секин бузилишига олиб келади, чунки улар сурункали кислород етишмовчилиги бошдан кечиради.



Соғлом
юрак



Юрак
етишмовчилиги


Касаллик миокард инфаркти, юрак ритми бузилиши натижасида тўсатдан бошланиши ёки юқори қон босими, юрак клапанлари ва инфекцион касалликлари, камқонлик, диабет, шунингдек саратонни даволашда ишлатиладиган нур ёки кимётерапия натижасида юракни узоқ вақт зўриқишидан аста-секин ривожланиши мумкин.

Умумий маълумотлар
“Юрак етишмовчилиги” услубий қўлланма

Юрак етишмовчилигининг асосий белгилари

1. Ҳансираш –
жисмоний
юкламада ёки
тунда, ётган пайтда

2. Холсизлик ва тез
чарчаб қолиш



3. Юрак тез уриб
кетиши

4. Оёқларнинг бир
хил шиши



"Юрак етишмовчилиги" таъхисини клиник, инструментал ва лаборатория маълумотларига асосан фақат шифокор қўяди. Фақат шифокоргина парҳез, жисмоний фаолият дастури, доридармонларни ичиш тартиби ва симптомларни назорат қилиш бўйича тавсиялар беради.

Юрак етишмовчилигининг оғирлик даражалари




Юрак етишмовчилигининг I функционал сннфида

Шикоятлар деярли бўлмайди,
бироз ҳолсизлик ва юра уриб
кетиши безовта қилиши мумкин



Юрак етишмовчилигининг II функционал сннфида

Ҳансираш фақат юқори
жисмоний юкланишларда пайдо
бўлиши мумкин. Жисмоний
фаолликнинг чегараланиши
юзга келади.





Юрак етишмовчилигининг III функционал синфида

Ҳансираш унча юқори бўлмаган одатдаги жисмоний юкланишларда (масалан, юриш ёки кийиниш) пайдо бўлиши мумкин. Лекин, бемор тинч ҳолатда ўзини яхши ҳис қилади.



Юрак етишмовчилигининг IV функционал синфида

Бемор тинч ҳолатда ҳам ҳансираш ва юрак уриб кетишини ҳис қилади, исталган жисмоний фаоллик бемор учун ноқулайлик келтириб чиқаради.



Шуни ёдда тутингки, тўғри терапия ва даволаниш жараёнида фаол иштирок етишингиз билан функционал синф камайиши мумкин. Бошқача айтганда, аҳволингиз яхшиланиши, аломатларингиз камайиши ва ишлаш қобилиятингиз ошиши мумкин.

Юрак етишмовчилигини даволаш 4 қисмдан иборат:



* ва касаликнинг айниқса оғир вариантлари учун тайинланадиган баъзи бир юқори технологиялик даволаш усуллари (электрофизиологик, жарроҳлик).

Даволашнинг барча тўрт компоненти натижаларга эришиш учун бир хил муҳим аҳамиятга эга.

Қўлланманинг тўлиқ версиясини қуйидаги ҳаволадан
олишингиз мумкин:

https://www.cardiogram.uz/patient/xsn_qullanma.php

Cardiogram.uz

